

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ФОИЗ РИСКНИ БОШҚАРИШГА БЎЛГАН НАЗАРИЙ – АМАЛИЙ ЁНДАШУВЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Рашидов Абдулазиз Абдурасул ўғли

Банк – молия академияси магистранти

Фоиз rischi асосий фаолияти фоизларга асосланган молиявий ташкилотлар, хусусан тижорат банкларининг фаолиятига энг катта таҳдид соладиган рисклардан бири ҳисобланади. Тижорат банкларида фоиз рискни бошқариш муаммолари хорижлик, МДХ ҳамда маҳаллий олим ва тадқиқотчилар томонидан ўрганилаётган бўлиб, уларда тижорат банкларининг фаолиятида фоиз рискнинг ўрни ва уни бошқаришнинг аҳамияти хусусида назарий ва амалий фикр – мулоҳазалар билдирилган. Бундан ташқари, Федерал депозитларни суғурталаш корпорацияси ва Базель қўмитаси томонидан ҳам бу муаммога бўлган ёндашувлар ўрганилган бўлиб, қуйида буларнинг барчаси хусусида қисқача фикр билдириб ўтамыз.

АҚШ даги Федерал депозитларни суғурталаш корпорациясининг таърифлашича, фоиз rischi – бу банкнинг жорий ёки келажакдаги даромадлари ва капиталининг бозор ставкаларидаги салбий ўзгаришларга дучор бўлишидир. Бу риск банк фаолиятининг нормал (одатий) қисми бўлиб, у даромадлилик ва акциядорлик қийматининг муҳим манбаи бўлиши мумкин: бироқ, ҳаддан ташқари юқори фоиз rischi банкларнинг даромадлари, капитали, ликвидлиги ва тўлов қобилиятини хавф остига қўйиши мумкин. Шу сабабли, самарали сиёсат ва рискни бошқариш жараёнлари орқали фоиз рискига дучор бўлиш хавфини аниқлаш, ўлчаш, мониторинг қилиш ва назорат қилиш муҳимдир<sup>1</sup>.

Кениялик тадқиқотчилар Жеймс Нгалава ва Филипп Нгаренинг таъкидлашича, сўнгги йилларда ҳам тижорат банкларининг бошқарувчилари ҳам тадқиқотчилар фоиз рискига катта эътибор қаратишаётган бўлиб, улар бунинг асосий сабабларидан бири сифатида фоиз рискнинг молиявий тизим барқарорлигига тизимли равишда (доимий) таҳдид қилишини кўрсатишган. Тадқиқотчилар ўз фикрларини Базель банк назорати қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган “Фоиз рискни бошқариш ва назорат қилиш тамойиллари” билан асослашга ҳаракат қилишган бўлиб, ушбу тамойиллар доирасида қўмита қуйидагиларни таъкидлайди: “фоиз rischi бу банк фаолиятининг нормал (одатий) қисми бўлиб, у даромадлиликнинг муҳим манбаи бўлиши мумкин, бироқ шу билан бирга, банклар хавфсизлиги ва мустахкамлиги учун бу рискнинг оқилона даражаларда сақлаб турилиши муҳимдир”<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> [www.fdic.gov](http://www.fdic.gov) – an official website of FDIC (Federal Deposit Insurance Corporation).

<sup>2</sup> James Ngalawa & Philip Ngare. Interest Rate Risk Management for Commercial Banks in Kenya. IOSR Journal of Economics and Finance (IOSR - JEF). Volume 4, Issue 1. (May – June 2014), Gurugram, 2014. pp 11 – 21.

Буюк Британиялик олим ва тадқиқотчилар Барбара Касу, Клавдия Жирандон ва Филип Молиниуксларнинг қайд этишича, фоиз ставкалари молиявий тизимда жуда муҳим ролга эга бўлиб, улар иқтисодиётдаги молиявий оқимлар, бойликларнинг тақсимланиши, капитал қўйилмалар ва молиявий институтларнинг даромадлилигига таъсир кўрсатади. Уларнинг фикрига кўра, сўнгги йилларда бозор фоиз ставкаларидаги ўзгаришларнинг ошиши (айниқса, халқаро даражада) натижасида банкларнинг фоиз rischi, яъни фоиз ставкаларидаги кутилмаган ўзгаришлар riskига дучор бўлиши ҳолатлари кескин ўсди<sup>3</sup>.

АҚШ лик олимлар Тимоти У. Коч ва С. Скотт МакДональднинг фикрига кўра, фойда олишни мақсад қилган ҳар қандай банк борки, у фоиз riskини ўлчаши ва бошқара олиши керак бўлиб, бунда банклар томонидан қўлланиладиган вақт ўтиши билан банк фоиз rischi профили (фоиз riskининг банк фаолиятига таҳдидлари) ни ўзгартириш стратегиялари муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг хулоса қилишича, фоиз riskини бошқариш ниҳоят даражада муҳим бўлиб, бунинг асосий сабаби сифатида уни олдиндан тўлиқ прогноз қилишнинг имкони мавжуд эмаслигини кўрсатишади. Олимлар ҳар қандай банкнинг актив ва мажбуриятларини бошқариш қўмитаси ёки riskни бошқариш қўмитаси фоиз riskини ўлчаш ва мониторинг қилиш учун мабул эканлигини таъкидлашиб, бундай қўмита risk ва кутиладиган даромад ўртасидаги керакли мувозанатга эришиш учун нархни шакллантириш, инвестиция киритиш, молиялаштириш ва маркетинг стратегияларини баҳолаб бориши муҳимлигини ҳам қайд этишади<sup>4</sup>.

Россиялик тадқиқотчи Самойлов Н. А. нинг таъкидлашича, фоиз rischi деярли барча компаниялар учун хос бўлиб, улар орасидан юқори қарз юкига эга бўлган компаниялар бундай riskка энг кўп дучор бўлишади, тижорат банклари бўлса айнан шундай компаниялар жумласига киради. Шу боис, фоиз riskини бошқариш тижорат банкларининг муҳим вазифаси ҳисобланади, чунки фоиз riskидаги ўзгаришлар банкларнинг операцион фойдаси (асосий фаолиятдан кўрадиган фойдаси) ёки бошқа муҳим кўрсаткичларига сезилари таъсир кўрсатади. Шулардан келиб чиққан ҳолда, тадқиқотчининг хулоса қилишича, фоиз riskини бошқаришнинг мақсади тижорат банклари фойдасини фоиз riskидаги ўзгаришлар ёки тебранишлардан ҳимоя қилишдан иборат бўлиши керак бўлиб, улар бу мақсадга эришиш учун банкнинг фоиз riskига нисбатан сиёсатини белгилаш, фоиз riskини аниқлаш ва хеджерлаш бўйича операцияларни амалга ошириш каби вазифаларни бажаришади<sup>5</sup>.


Беларуслик олим Кукса О. А. ва тадқиқотчи Чернак А. В. нинг айтишича, Беларусь республикаси миллий банки томонидан банк riskларининг асосий турлари ажратиб кўрсатилган бўлиб, улар жумласига кредит riskи, мамлакат riskи, бозор riskи (шу жумладан фонд, валюта ва товар riskлари), банк портфелининг фоиз riskи, ликвидлик

<sup>3</sup> Barbara Casu, Claudia Girardone & Philip Molyneux. Introduction to Banking. Harlow: Pearson Education Limited, 2006. 526 pages.

<sup>4</sup> Timothy W. Koch & S. Scott MacDonald. Bank Management. Eighth Edition. Boston: Cengage Learning, 2015. 778 pages.

<sup>5</sup> Самойлов Н. А. Инструменты управления процентными рисками. Журнал "Теория и практика сервиса: экономика, социальная сфера, технологии". 2020, №1 (43). Санкт – Петербург: Санкт – Петербургский государственный экономический университет, 2020. Стр. 29 – 33.

риски, операцион риск (хукукий риск ва киберриск), стратегик риск, репутация риски ва концентрация риски кабилар киради. Уларнинг хулосага кўра, тижорат банклари фаолияти кўп жиҳатдан рискларга боғлиқ бўлиб, бу банклар даромадлилигининг пасайишига сабаб бўлади ҳамда банк рискларини аниқ ва самарали бошқаришга бўлган эҳтиёжни асослаб беради. Банк рискларини бошқариш учта асосий босқичда амалга оширилиб (рискни аниқлаш ва баҳолаш, риск мониторинги ҳамда уни минималлаштириш), уларни самарали бошқариш рискни олдиндан прогноз қилиш имкониятини беради, унинг тахдид қилишига йўл қўймайди ва банк учун ижобий молиявий натижани таъминлайди<sup>6</sup>.



1 – расм. Тижорат банкларида фоиз рискини бошқаришга бўлган назарий – амалий ёндашувларнинг қисқача тавсифи<sup>7</sup>

<sup>6</sup> Кукса О. А., Чернак А. В. Обзор отдельных показателей кредитного риска в банковской системе Республики Беларусь // Научный потенциал молодежи – будущему Беларуси: материалы XVII международной молодежной научно – практической конференции, Пинск, 14 апреля 2023 г. Пинск: ПолесГУ, 2023. Стр. 29 – 32.

<sup>7</sup> Ушбу расм муаллифнинг ўзи томонидан яратилган.

Маҳаллий тадқиқотчи Эргашев И. И. нинг фикрича, тижорат банклари учун энг катта аҳамиятга эга рисклар жумласига ликвидлик rischi, кредит rischi ва фоиз rischi кабиларни киритиш мумкин бўлиб, банклар максимал фойда олиш учун ўз операцияларини минимал рисклар билан амалга оширишга эътиборни қаратишлари керак. Банк менежменти энг катта даромад келтирадиган ва катта харажатлар талаб қилмайдиган активларга маблағларни йўналтириши керак бўлиб, одатда бундай активларга маблағларнинг қўйилиши банк олдида қўшимча рискнинг пайдо бўлишига олиб келади. Шулардан келиб чиққан ҳолда, Эргашев И. И. нинг хулоса қилишича, банк раҳбарияти банкнинг даромадлилиги билан риск даражаси ўртасидаги оптимал даражани танлаши зарур бўлиб, акс ҳолда кутилган фойдани ололмай қолиш эҳтимоли юзага келиши мумкин, ахир риск даражаси қанча юқори бўлса, бундай эҳтимол ҳам шунча баланд бўлади<sup>8</sup>.

1 – расмда юқоридаги ёндашувларнинг тавсифлари умумлаштирилган.

Умуман олганда, тижорат банкларида фоиз riskини бошқариш масаласи нафақат олим ва тадқиқотчилар, балки халқаро молиявий ташкилотлар доирасида ҳам ўрганилаётган муаммолардан бири бўлиб, бу унинг молиявий тизим учун қанчалик долзарб аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

### Адабиётлар рўйхати

1. [www.fdic.gov](http://www.fdic.gov) – an official website of FDIC (Federal Deposit Insurance Corporation).
2. James Ngalawa & Philip Ngare. Interest Rate Risk Management for Commercial Banks in Kenya. IOSR Journal of Economics and Finance (IOSR - JEF). Volume 4, Issue 1. (May – June 2014), Gurugram, 2014. pp 11 – 21.
3. Barbara Casu, Claudia Girardone & Philip Molyneux. Introduction to Banking. Harlow: Pearson Education Limited, 2006. 526 pages.
4. Timothy W. Koch & S. Scott MacDonald. Bank Management. Eighth Edition. Boston: Cengage Learning, 2015. 778 pages.
5. Самойлов Н. А. Инструменты управления процентными рисками. Журнал “Теория и практика сервиса: экономика, социальная сфера, технологии”. 2020, №1 (43). Санкт – Петербург: Санкт – Петербургский государственный экономический университет, 2020. Стр. 29 – 33.
6. Кукса О. А., Чернак А. В. Обзор отдельных показателей кредитного риска в банковской системе Республики Беларусь // Научный потенциал молодежи – будущему Беларуси: материалы XVII международной молодежной научно –

<sup>8</sup> Эргашев И. И. Управление активами коммерческого банка // Международный научно – практический журнал «Интеграция наук». Выпуск №6 (10) (июнь, 2017). Москва: Научно – издательский центр «Империя», 2017. Стр. 125 – 126.

- практической конференции, Пинск, 14 апреля 2023 г. Пинск: ПолесГУ, 2023. Стр. 29 – 32.
7. Эргашев И. И. Управление активами коммерческого банка // Международный научно – практический журнал «Интеграция наук». Выпуск №6 (10) (июнь, 2017). Москва: Научно – издательский центр «Империя», 2017. Стр. 125 – 126.